

Тогай Муродни шахсан таниш, хамсухбат бўлиш насиб этмаган, лекин уни ёзувчи сифатида таниганимга анча бўлди. «Ойдинда юрган одамлар» киссасини ўқиганимда исмсиз бир таассурот ичида колганимни эслайман: мазза килиб ўқиганим рост-у, бировга айтиб бергудек воқеаси йўқдек эди-да!.. Кахрамонлари ҳам бинойидек-у, иншо ёзганимда «Фалончига ўхшагим келади» дейдиган эмас-да!..

Бу янглиг таассуротнинг сабабини кейинроқ англадим: адабиётимиз янгиланаётган пайт экан, Тогай Мурод шу янгиланишни бошлаганлардан бири, бизнинг адабиёт хақидаги тасавурларимизни янгиллаган авлоднинг илгорида борган вакилларидан экан...

1

«Отамдан колган далалар» нафакат долзарб мавзуси, балки бадиий жихатлари билан-да адабиётимизда жиддий воқеа бўлди. Асарнинг ўзига хос қурилиши, бетакрор ифода йўсини, тилдаги жозиб оханг, самимият – буларнинг бари унинг муваффақиятини таъминлаган асосий омиллардир. Бир суҳбатда асар хусусида сўз бориб, «Отамдан колган далалар» жанр эътибори билан романми?» деган саволни ўртага қўйган эдим. Ха, жанрнинг рисоладаги талабларидан келиб чиқилса, бу саволни қўйиш асослидек. Зеро, роман марказида инсон тақдири турган ҳолда у тугал мақсад эмас, романий кахрамон дунёни бадиий идрок этиш, дунё хақидаги, унинг жорий ҳолати хақидаги яхлит бадиий контсептсияни шакллантириш ва ифодалаш воситаси, ҳолос. Шунга қўра, одатда, романий кахрамон – ўз муҳитига сигмаётган, муҳит билан зиддиятга киришган, изланаётган шахс сифатида намоён бўлади. Дехконкулда эса бу хусусиятлар қўрилмайди, у – кечаги кунини муҳит измида сассизгина яшаб ўтган, энди кечмишини мушоҳада қилаётган одам. Дехконкулнинг тўлақонли романий кахрамон сифатида бўй кўрсатишига ривоянинг биринчи шахс тилидан берилгани монелик қилган, айтиш чоғда, худди шу нарса асарда лирик ибтидонини кучайтиргани ҳам яққол кўринади: асарнинг кўп ўринларида воқеани тасвирлаш эмас, уларга муносабат билдириш мақсади етакчилик қилади. Буларнинг натижаси ўларок, асарда лирик ибтидо салмоқли, бадиий жихатдан белгиловчи ўрин тутадими, «Отамдан колган далалар» насрда битилган романик характердаги «поэма»дек, «достон»дек таассурот қолдиради. Асардаги ифода йўсини ҳамда воқеликни бадиий идрок этиш усулининг халқ достонларига эшлиги унинг муваффақиятини таъминлаган қўшимча омил эмасмикин?!

* * *

...романнинг мақсади дунё хақидаги, унинг жорий ҳолати хақидаги яхлит бадиий контсептсияни шакллантириш ва ифодалаш, романий кахрамон шунинг воситаси дедик. Шунга таяниб, «Отамдан колган далалар» жанрнинг рисолавий талабларига жавоб

беришига шубха ҳам билдирдик. Бошка томони, ахир, унда вокеликни калбидан ўтказиб, унинг таъсирида тугилган кечинмаларини, муносабатини ифодалаётган лирик кахрамон — Тогай Муроднинг ўзи бор-ку?! Дунё билан зиддиятдаги, насиб этган тақдирдан имкони кенгрок бўлганидан мухитга сигмаётган, аникроги, элининг бир асрдан зиёд мухит — мустамлака тузумига сигмай келганини ўзида намоён этиб турган Тогай Муроднинг ўзи рисоладаги романий кахрамон эмасми?!.

* * *

«Отамдан колган далалар»ни реалистик асар деганимиз холда, унда реалистик шартлилик даражасининг юкорилиги ва бу нарса катъий реализм талабларидан жиддий чекинишларга олиб келганлигини эътироф этишга тўғри келади. Бу нималарда кўринади? Аввало, вақтнинг шартлилиги: 20-йилларда эс таниган болакай 60-йилларда ҳам болалигича қолади. Бугина эмас, умуман асарда тасвирланган (ёки эслатилган, ишора қилинган) воқеалар, тафсилотлар реал хронологияга доим ҳам мувофиқ келавермайди. Ундаги катор образлар (масалан, идеология, киночилар, мустамлакачилар...) реалистик образлар сифатида эмас, кўпрок шартли, рамзий «маска» сифатида бўй кўрсатади. Шунга ўхшаш, асарда хақиқий фамилиялари остида харакатланувчи шўро ҳукуматининг таникли арбоблари (Полторатский, Колесов, Успенский...), мураккаб тақдир эгаси полковник Чанишевларнинг битта хаётий холат — Акраб кўрбошининг кўлга олиниши доирасида тасвирлангани ҳам шартлиликдан ўзга эмас. Булардан кўринадики, асарда мустабид тузумнинг том маънодаги реалистик образи эмас, унинг шартли образи яратилади: ўқувчининг кўз олдида инсонийликдан буткул маҳрум ёвузлик тимсоли гавдалантирилади. Асарнинг умумий руҳини, «хийла кескин — тендентсиоз» руҳини белгилаган бу каби усулнинг (ёвузлик лагерининг ўта шартлилигию эзгулик лагерининг хаётий тасвирланиши) илдизи ҳам аслида халқ оғзаки ижодидан озикланади...

* * *

...меъёрдан ортган тендентсиозлик — кусур, унинг реализмга ҳос эмаслиги исбот талаб қилмайдиган айна ҳақиқат. Аммо «Отамдан колган далалар» — даврнинг бадиий ҳужжати, унда жамиятнинг мустамлакачилик барҳам топиб, истиқлол неъматига ноил бўлган пайтдаги руҳияти аклангани ҳам бундан асло кам бўлмаган ҳақиқат. Зеро, унда ҳаммамизнинг — «дехкон» («дехкон» — ер эгаси демак эмасми?!) бўла туриб «кул»ликда умргузаронлик қилган сизу бизнинг кайфиятимиз, парчаланган занжирлар устида турганча кечмишимизга соғлом назар солган, мустабид тузумни яниб турган холатимиз акланган. Донишмандлардан бири «Инсоният ўз ўтмиши билан қулиб хайрлашади» деган экан. Асар ёзилган пайтда на Тогай Мурод, на сизу биз ўтмиш билан қулиб, қулиш қайда, хотиржам хайрлашишга ҳам қодир эмасмиз, негаки, истибдод занжирлари

колдирган яралардан хали кон сизиб турганди. Шу маънода, «Отамдан колган далалар» – узок йиллар йигилган дарднинг мисоли вулкондай отилиши, мустамлака билан хайрлашаётган халкнинг йиги – йўқлови. Йўқ, мустамлакага куйиб эмас, топталган кадри, гурурини ўйлаб чеккан ноласи; юракни эзадиган, рухни туширадиган эмас, аксинча, киши руhini юксалтирадиган, каддини тиклайдиган нола...

* * *

«Отамдан колган далалар»нинг, умуман, Тогай Мурод насрининг тили ўзига хос, услуби ўзига хос. Сираси, кўникиб олмагунча галат кўринса ҳам, эхтимол. Эхтимоли нимаси, асли ҳам шундай-да!.. «Отамдан колган далалар»ни ўқиганда рахматли бобомнинг Сўфи Оллоёрни ўқиши, ўқиши эмас, хиргойи килишини эслайман, беихтиёр хиргойи килишга ўтаман... Сиз ҳам уриниб кўринг-а, тилнинг нечоғли жозиб эканини хис киласиз... Ха, дарвоқе, тилингиз хиргойи килганида, калбингиз сомеъ бўлсин: чанковуз, най нолалари ортидан элас-элас жанг ногоралари – довул сасини илгайсиз, борган сари бу сас кучайиб боради...

* * *

...хозирча «Отамдан колган далалар» танкидчиликда кўпроқ гоаявий-мазмуний жихатларидан келиб чиқиб бахоланди, унинг поэтик хусусиятлари, бадий ўзига хослигини атрофлича ўрганиш, асарнинг жозибасини таъмин этган омилларни очиб бериш бугун ва эртанинг вазифаси бўлиб турибди. Шунга карамай, бир гапни дадил айтиш мумкин: «Отамдан колган далалар»нинг жанрини роман деймизми ё бошқами, унда вокелик реалистик тасвирланган деймизми ё нореалистик, ёзувчи муносабатини тендентсиоз деймизми ва ё объектив – булардан катъи назар, у юртимиз тарихининг муайян боскичида вужудга келган бадий феномен, яхши ва бетакрор асарлигича колаверади.

2

...адабиётимизни янгилаган авлод деб айтдик. Бу янгиланиш, аввало, инсонга муносабатда юз кўрсатди. Энди инсонни «буюк гоая»га алоқаси ё унга қилган хизматидан келиб чиқиб бахолаш эмас, уни бир инсон сифатида англаш, дарду қувончи, орзую армонларини кўрсатишга интилиш кучайди. Карасак, атрофимизда елиб-ёниб ё гивирсиб-тутаб юрган одамки бор, бари ИНСОН экан – хар қайсиси олам ичра бир олам экан. Тогай Мурод шу оддий хақиқатни кўпчилигимиздан аввалроқ англаган, кал

чавандоз ёки бефарзанд қарияларнинг ўй-ташвишлари, дард-армонлари, туйғу-кечинмалари анча-мунчадан қолишмайди, «кичик одам»ларда-да катта калб бўлади, деган ақида билан ижод майдонига кирган экан...

* * *

Ботир фиркани кўпчилик «кизил» деб сўқади, унинг фахри бўлган орденларини улоқтиришни, эътикод қилиб, яшаб ўтган умрининг мазмуни сифатида ҳар вақт ёнида ифтихор билан олиб юрган партбилетини ёқишни талаб қилишади...

«Бу дунёда ўлиб бўлмайди» романи худди шундай – минглаб «ботир фиркалар» оёқ қўйган замин бирдан йўқолиб, ўтмиш ва келажак орасида муаллақ туриб қолган бир даврда ёзилган...

Тоғай Муроднинг ҳеч бир асарига «кизиллик» кўрилмаган? У ҳеч вақт «кизил» бўлган эмас. Шундай экан, у ҳам кўп катори Ботир фиркани ерпарчин қилса, бундан ўз вақтида мўмайгина «сиёсий дивиденд» ола қолса бўлмасмиди? Бўлмас эканки, Ботир фиркада бир инсон фожиасини кўришга интиланган-да... чинакам санъаткор учун гоё эмас, инсон бирламчи деган эътикод билан қалам тебратган-да, ахир...

* * *

...«Олдин баҳор – охир ҳазон бўлди», нима бўлганда ҳам, Ботир фирка умрини яшаб ўтди: Ботир кўшчи эди – «Ботир фирка» бўлди, сўнгра «ўрток Эсонов» бўлиб давр сурди: қимгадир яхшилик қилди, қимгадир ёмонлик; нимадир қурди, ниманидир бузди... – барини элга хизмат қиляпман, эл учун қиляпман, эл саодати учун қиляпман деган ишончда қилди. Қун қелиб, хизматлари бир пул бўлди: ёв қочган, кўпайган ботирлар уни «кизил» дедилар, миллатнинг душмани, дедилар...

Ахир, «Сиз қимнинг зурриётини бозорга олиб чиққанингизни билияпсизми?» дея эшонзодалар фожиасига қўйган ҳам, «Шугина бир... гўдақни боқиб бўлмай қолдимми?» дея эл ахволдан юраги сел бўлган ҳам, «Азиз зотларни беваси, жуда табаррук зотларни зурриёти», дея уларни НКВДчилардан талаб олган ҳам Ботир фирка эмасми?! Қаранг-а, Саидхўжа эшон хонақоси бузилганида, «Эл-юрт нафас ютди. Эл-юрт сув сепмишдек жим-жит бўлди. Эл-юрт аза тутди», холос... Ботир фирка бир тадбир қилмоқчи бўлганида, «фаол зоти бор – ўзини олиб қочди» – бежиз эмас. Ботир фирка «яккаш ўзи ўйлади. Бир эскича, бир янгича ўйлади. Эскича билан янгичани қўшиб ўйлади» ва «юртақ ютиб... бир ишга қўл урди»: хонақонинг «мумтоз усталар» ясаган дарвоза-даразаларини ўтинхонага яширди...

«Ўзингиз қандай бўлсангиз, сизга шундоқ амирлар қўйилур», дейилади муқаддас битикларда. Яшириб нима қилдик, ёв қочғач, ҳаммамиз-да ботирландик ва... борки қулфатлар учун айбни кечаги қуннинг юрт оғаларига юқладик-қўйдик... Ўзни айбдор ҳис қилиш оғир, ўзгани айблаш осон – қўнғилни хотиржам этдик гўё. Тоғай Муроднинг

безовта калби бунга кўнмади, кўнолмади...

* * *

Бежиз эмас, дедик... бежиз демадик...

Ботир фирка очликдан нобуд бўлган хамкишлоклари хакига дуо килишга чоғланди ва шу он ёнида НКВДчилар борлигини эслаб, сезиб қолишмадимиз, дея хадикда колди...

Ботир фирка очарчиликка қарши қарайиб қураш усулини қўриб, «Ўз эл-юртингиз эмасми, одамга пича ботар экан. Унча-мунча малол келар экан», дея ожизгина эътироз қилди, дилидагининг озроғини тилига чиқарди. Бирок НКВДчилар бу «Совет ҳукуматининг буйруғи! Совет ҳукуматининг хоҳиш-иродаси! Ёки совет ҳукуматидан норозимисиз?» дея уни дарҳол ўзига келтиришди: «Ана шунда, Ботир фирка бир сесканиб олди»...

Сескангани гуноҳми? Дарҳол ўзини ўнглаб, қаддини тик тутганича «Яшасин, Шўро ҳукумати!» — дея тантанавор хайқиргани айбми?.. Айблагга ҳақлимизми?.. Дадил бир нарса дейиш қийин: бу ўринда ҳар қимнинг ҳуқуқи ўзича тўғри, балки?!

Тоғай Мурод қахрамонига эврилиб қўрди, Тоғай Мурод қахрамонига ёғилган таъна-маломатларни ўз танасида синаб қўрди... Тоғай Мурод тахминан шундай ўйлади, шу боисгина бизнинг ўй-мушоҳадаларимизни ҳам шу ўзанга солди, сола билди...

* * *

Қабристонларни зиёрат қилиб туриш буюрилган бизга. Бежиз эмас. Қабристон – ўтмиш билан келажакни туташтирган жой: ҳаммамизнинг аждодларимиз шунда, ҳаммамизнинг борар жойимиз – шу. Қабристон дунёнинг фонийлигини, инсон умри жуда қисқалигини, киши ўз амаллари учун ҳам ўтмиш, ҳам келажак олдида бирдек масъуллигини эслатиб туради...

Ботир фирка руҳиятидаги бурилиш, янгиланишда қабристон зиёратлари ҳал қилувчи туртки бўлди... Жанозасиз қўмилган «райком Тўрақулов» қабри бошидаги беўхшов тиловати, «хунг-хунг йиглаб қўя бергани... ўқириб-ўқириб йиглаб қўя бергани» – Ботир фирканинг тазарруси, қўлидан келганча амаллаган тавбаси.

Тиловат асноси «ўртоқ Ягода қиличларидан айланиб ўтган, Ежов ўқларига чап берган, Берия камокларидан эсон-омон ўтган» Ботир фирка «уруш-уруш» ўйнаган болаларни КГБ фахрлаб дахшатга тушди... Бежиз эмас: «Илон чаккан киши ола арқондан қўркади»... Зарб излари қалтакланган танадан кетар-у, қалтакланган руҳдан асло кетмайди. Ботир фирка муттасил қўркувда яшади, шу қўркув уни дилидаги норозиликни ўлдириб яшашга қўнқирди. Собик райком Тўрақуловни партиязий дафн этиш ҳақида партиязий топширик олганида, қўнгли бунга осонгина қўнган эмас: тунга билан ухлаёлмай чиқади, лекин... эртаси марҳумни жанозасиз қўмдиради...

Инсонда танлов имконияти ҳамиша бор... Айтайлик, Ботир фиркада муттасил қўркув

остида яшаш ёки тик туриб ўлиш имконлари мавжуд эди. Фирка биринчи имконни танлади. Тогай Мурод танлаш унинг ҳақиқати деб билади, кораламайди – тасвирлаб кўрсатади: ўқувчиси қаршисида танлов имкониятини яратиб, эътиқодига содиқлиги шаҳидлик йўлини тутганлар кўпайса дея умидланади...

...маъни деганлари жуда серқирра нарса: қай тарафдан қарама, унинг қатор қирралари нигоҳингдан пинҳон; қай томондан қарасанг, шунга мос қирралари кўз олдинда намоён: ҳамма қирраларни бирдан ва бирдек кўра олиш одам боласининг чекига тушмабди. Роман финалини ўзимча англадим, ўзимча мағзини чаккан бўлдим... Ботир фирка эккан чинорлар кўпориб ташланди, Ботир фирка яратган бог ўрнидан Буюк ипак йўли ўтар бўлди... Умр беиз кетди — умр беиз кетмади... Эл ўша чинорлар соясидан баҳра олган, бог меваларидан элнинг оғзи чучиган... Э-воҳ, соя ўткинчи, тот ўткинчи... — умр беиз кетдими? Алҳазар... бунақада нафакат Ботир фирка, умуман, инсон умри маънисиз, бенаф бўлиб чиқмайдими?! Йўқ, Ботир фирка бунга кўнмайди... аниқроғи, Тогай Муроднинг безовта қалби бунга кўнмайди, кўнолмайди — у жавоб излайди, ўртаниб жавоб излайди, юраги ёниб, жизганак бўлиб жавоб излайди... Излаган — топади: Ботир фирка ҳам жавоб топди, тўғрироғи, унинг воситасида Тогай Мурод жавоб топди. Рухий изтироблари адоғида ўзи излаган маънига яқинлашган Ботир фирканинг ҳолатини кўринг:

«жони ачиди... тани куйди» — «тан-жони... шодланди»,

«ичи куйди» — «ичи кулди»,

«кўзларида қайгу бўлди» — «кўзларида байрам бўлди».

Ботир фирка ўзи учун «Биз эккан чинорлар... Буюк ипак йўли бўлди» деган ҳақиқатни кашф этди, «Биз энди Буюк ипак йўлида юрамиз», дея фахр этди. Аввалги биз бошқа, кейингиси бошқа. Аввал у ўзини тамом ортикча сезган, ўзини элдан ажратган эди — энди кўшиляпти, уни «қизил» дея чикитга чиқармоқ бўлишганди — чиқаролмадилар: «Одамнинг чикити бўлмайди»; уни сонга кўшдилар — у қайта тирилди...

Ҳа, ҳар қандай амал... эзгу ният билан қилинган амал-да ўткинчи, унинг маҳсули-да ўткинчи, фақат ЭЗГУ НИЯТнинг ўзигина собит, шунинг ўзигина боқий. Эзгу ният — авлодлар орасидаги кўринмас занжир, эзгу ният ўтмиш билан бугун ва эртани бирлаштиради — ҳаммамизни, ҳеч бир «чикит»сиз битта томирга мансуб этади. Эзгу ният элни халқ, халқни миллат қилади, эзгу ният атрофида бирлашсагина Буюк ипак йўлида миллатнинг йўли унади... Тогай Мурод англаган маъни — шу, тўғрироғи, унинг қалбига аён бўлган қирраси — шу.

3

Тогай Мурод эзгу ниятларни дилига тутиб ижод қилди...

Тогай Мурод эзгулик мавқеида мураккаб бўлишга интилади...

Тогай Мурод эзгулик уруғларини қалбларимизга сочиб кетди...

Ўзида қалбларга хос танлиқ, шоирларга хос инжалиқ, дарвешларга хос

гаройблик, эл-юртига нисбатан бегараз мухаббатни жам этган Ўзбекнинг катта адиби таваллуди 60 йиллиги барчамизга муборак бўлсин!

**Дилмурод Куронов,
филология фанлари доктори.**